



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIBLIGI

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA
JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATI**

SANITARIYA, GIGIYENA VA KASB KASALLIKLARI ILMIIY-TADQIQOT INSTITUTI

**SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIKNI
TA'MINLASH VA AHOLI SALOMATLIGINI MUHOFAZA
QILISHNING DOLZARB MUAMMOLARI**

RESPUBLIKA ILMIIY-AMALIY ANJUMANNING

TEZISLAR TO'PLAMI

**Tibbiyot fanlari doktori, professor
R.T. KAMILOVA ning
umumiy tahririyati ostida**

Toshkent - 2022

<i>Манасова И.С.</i>	
Респираторные симптомы и заболеваемость грудной клетки, как результат воздействия мучной пыли на мукомольных заводах в г.Бухара	59
<i>Миртазаев О.М., Саидкасимова Н.С., Мустанов А.Ю., Нуриддинова Д.Ю.</i>	
Аҳолини сальмонеллэзлар билан касалланиш ҳолатига умумий овқатланиш тизимидаги ўзгаришларнинг таъсири	61
<i>Mirmukhamedov B.B., Mominov O., Moydinov I., Akhmadkhodjaeva M.M., Alimukhamedov D.Sh.</i>	
The role and importance of fruits in the daily diet of preschool children	63
<i>Мирзаева Ф.Ф., Хамракулова М.А.</i>	
Юқори ҳароратда ишловчи ишчи организмини юрак-қон томир тизими касалликларига чалиниш ҳавфини камайтириш	64
<i>Мирзакаримова М.А., Сагдуллаева Б.О.</i>	
Исследование и оценка пригодности проб воды реки Сырдарьи для рыбохозяйственных целей	66
<i>Мусабаев Э.И., Ибадова Г.А., Ражабов И.Б., Байназаров М.</i>	
Эффективность препарата “Рутан” при лечении COVID-19	67
<i>Мустанов А.Ю., Эрматов Н.Ж., Матназарова Г.С.</i>	
Турли хил озиқ-овқат маҳсулотларидан захарланиш сабабларини гигиеник баҳолаш	69
<i>Muzaffarov M.J., Matnazarova G.S., Mirtazaev O.M.</i>	
2020-yil toshkent shaxri axolisini gelmintologik tekshiruv	71
<i>Nazarov J.S.E.</i>	
Parrandachilik fabrikasi drenaj tizimi oqina suvlarida kampilobakteriyalarni aniqlash	72
<i>Носирова А.Р., Камилова Р.Т., Исакова Л.И., Камилов Ж.А.</i>	
Овқатланишни ташкил этилишига боғлиқ ҳолда ўқувчиларнинг рухий физиологик ҳолатларини қиёсий баҳолаш	74

ТУРЛИ ХИЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ЗАҲАРЛАНИШ САБАБЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Мустанов А.Ю., Эрматов Н.Ж., Матназарова Г.С.

Тошкент тиббиёт академияси

Озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Бирлашган мамлакатлар ташкилоти (БМТ) ҳам бугун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидлапти. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бирида туради. Эндиликда аҳоли турмуш фаровонлиги ва сифатини янада ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда катта муваффақиятга эришган ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда улардан мамлакатимизда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланмаган ёки унга дуч келмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Айниқса бу нохуш ҳолат, аксарият саёҳатчилар, сафарда юрганларда кўпроқ учрайди. Бунга сабаб уларнинг ҳар доим ҳам гигиена талбларига риоя қила олмасликларидир. Бундай ҳолларда бактериал интоксикация келиб чиқиши тайин. Шунинг баробарида, тропик давлатларда дам олиш маҳали танаввул қилинадиган нотаниш ва организм ўрганмаган таомларни айтиш мумкин. Илик ва нам иқлим шароитида турли касаллик чақирувчи микроорганизмлар ривожланмоқда.

Озиқ-овқатдан заҳарланиш ва токсика инфекцияларнинг олдини олишда тайёр овқатларга заҳарловчи моддаларнинг кириб келишининг олдини олиш озиқ-овқатда патоген микроблар ва уларнинг токсинларини кўпайтириш ва тўплаш имкониятини олдини олиш, озиқ-овқатда патоген микроблар ва уларнинг токсинларини йўқ қилиш; озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотишда санитария-гигиена, технологик режимларга қатъий риоя қилишни талаб этади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳоли ўртасида заҳарланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. 2017–2019 йиллар давомида 154 та бундай ҳолат қайд этилган, натижада 1700 нафар фуқаро, шу жумладан 665 нафар бола жабрланган. 15 киши вафот этган. Кўп ҳолатларда бунга тўйхона, ошхона, кафе, ресторан ва бошқа умумий овқатланиш корхоналарининг санитария талаблари лойиҳалари асосида қурилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларини лозим даражада сақлаш учун шароитлар мавжуд эмас, мактабгача таълим муассасалари ошхоналарининг жиҳозланиши ҳам талабларга жавоб бермайди.

Тошкент шаҳрида умумий овқатланиш ходимлари даврий тиббий кўриқдан ўтмайди, ошпаз ва ёрдам берувчи ходимларнинг овқат тайёрлаш бўйича технологик талаблар тўғрисида билим ва тушунчалари йўқ. Ўрганишлар давомида республиканинг 1533 та мактабгача таълим муассасасида ташиб келтириладиган ичимлик сувидан фойдаланилиши аниқланди. Бунда уларнинг кўп қисмида тегишли гигиеник сув идишлари ўрнатилмаган. 2017 йилда режа асосида озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналари, савдо объектлари ва умумий овқатланиш жойларида ўтказилган санитария назорати давомида 587 та тадбиркорлик субъектининг барчасида санитария қоидалари ва гигиена нормативлари кўпол равишда бузилгани аниқланган.

Республикмизда 2017-2018 йилларда 1190 нафар фуқаро овқатдан захарланган, шундан 222 нафар болада захарланиш ҳолати қайд этилган. Ачинарлиси, уларнинг 9 нафари вафот этган. Уюшган жамоаларда гуруҳли овқатдан захарланиш 2017 йилда 8 та, 2018 йилда эса 7 та ҳолатда қайд этилган. Шулардан 4 таси мактабгача таълим муассасаларида рўй бериб, 73 нафар бола “ўткир диарея, дизентерия” ташхиси билан шифохонага ётқизилган. Сўнгги икки йилда жами 102 минг 44 та умумий овқатланиш ва озиқ-овқат савдо объектидаги 54 минг 62 нафар ишчи тиббий кўриқдан ўтмаганлиги аниқланган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари вақти-вақти билан зарарсизлантириш (суварак, пашша ва бошқа шу каби ҳашаротларга қарши курашиш) тадбирларини ўтказиш, бунинг учун хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари билан шартнома тузиши талаб этилсада, улар томонидан бу масалага умуман аҳамият берилмаган. Шу билан бирга, дехқон бозорларининг ҳаммасини ҳам санитария-эпидемиологик ҳолати талаб даражасида, деб бўлмайди.

Республика бўйича 509 минг 489 та озиқ-овқат намунаси лаборатория текширувидан ўтказилганда, 22 минг 661 таси санитария қоида ва меъёрларига жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланган. Худудларда мониторинг олиб борилганда янги қурилган ёки қайта ташкил этилган тўйхона, ошхона ва кафе-ресторанларнинг лойиҳа бўйича бунёд этилмагани ва бунда маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ҳамда тарқатиш учун етарли шароитлар яратилмагани, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва ошхона ходимларининг фаолиятига доир мутахассисликка эга эмаслиги, билим ҳамда маълумотининг йўқлиги ана шундай муаммоларни келтириб чиқарган. Бундан ташқари, тўйхоналарда санитария қоидаларига зид равишда тайёрланган сифатсиз овқат, салат ва кремли қандолат маҳсулотлари дастурхонга қўйилаётгани, умумий овқатланиш объектлари, жумладан, мактабгача таълим муассасалари ошхоналаридаги ускуналар, яъни печ, электр қозон, идиш-товоқ ювиш машиналари, санитария ускуналари, вентиляция тизими, совутгич ва музлаткичлар билан етарлича таъминланмагани салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда.